БУРУН ПАСТКИ ЧИҒАНОҒИ ГИПЕРТРОФИЯСИДА СУЯК ВА ЮМШОҚ ТЎҚИМА КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамажанов Бохадиржон Солижанович
АДТИ Травматология, ортопедия, нейрохирургия кафедра профессори, DSc
Хакимов Аъзамжон Исакович
Фаргона шахар «Ишонч тиббий сервис» хусусий клиника шифокори

Калит сўзлар: суяк тўқимаси, морфометрия, суяк гипертрофияси.

Долзарблиги. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофияси мураккаб морфологик жараён бўлиб, унинг ривожланишида суяк ва юмшоқ тўқима компонентлари турли даражада иштирок этади. Айрим ҳолларда чиғаноқ ҳажмининг ортиши асосан шиллиқ қаватнинг қалинлашиши, безлар гиперплазияси ва каверноз веноз тузилмаларнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлса, бошқа ҳолатларда суяк компонентининг қалинлашиши ва анатомик конфигурациясининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли гипертрофиянинг суяк ва юмшоқ тўқима ҳисобига ривожланган шаклларини фарқлаш патологик жараённинг морфологик хусусиятларини аниқлаш ва жарроҳлик даволаш усулини индивидуал танлаш учун муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясида суяк ва юмшоқ тўқима компонентларининг морфологик ҳамда морфометрик хусусиятларини таҳлил қилиш, суяк тўқимасининг микроскопик тузилишини чуқур ўрганиш заруратини асослаш.

Материал ва усуллар. Бурун пастки чиғаноғининг анатомик тузилиши, компьютер томографияси, конус-нурли компьютер томографияси ва гистологик текширувларга бағишланган илмий маълумотлар таҳлил қилинди. Суяк қатлами қалинлиги, чиғаноқнинг умумий ҳажми, шиллиқ қават қалинлиги, суяк ва юмшоқ тўқима компонентларининг ўзаро нисбати каби кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижалар ва муҳокама. Адабиётларда келтирилган морфометрик натижаларга кўра, бурун тўсиғи девиацияси билан боғлиқ компенсатор гипертрофияда суяк қатламининг ўртача қалинлиги 2,8±1,0 мм ни, аллергик ринит билан боғлиқ гипертрофияда эса 0,9±0,6 мм ни ташкил этган (p=0,001). Аксинча, медиал шиллиқ қават қалинлиги аллергик ринит гуруҳида 5,9±1,9 мм бўлиб, компенсатор гипертрофия гуруҳидаги 4,3±1,5 мм кўрсаткичдан юқори бўлган (p=0,033). Ушбу маълумотлар гипертрофиянинг этиологик шаклига қараб суяк ва юмшоқ тўқима компонентларининг иштироки фарқланишини кўрсатади.

Компьютер томографияси асосида ўтказилган кузатувларда бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясининг суяк, юмшоқ тўқима ва аралаш шакллари фарқланган. Айрим ҳолларда суяк тўқимаси ҳажмининг сезиларли ортиши кузатилмаган, асосий ўзгаришлар эса юмшоқ тўқима компонентида намоён бўлган. Шу билан бирга, уч ўлчамли геометрик морфометрик таҳлиллар чиғаноқнинг суяк қисмидаги анатомик конфигурация, чизиқли ўлчамлар ва фазовий тузилишни баҳолаш имконини бериши кўрсатилган.

Суяк компонентини морфологик баҳолашда суяк пластинкалари ва трабекулаларининг қалинлиги, компакт ва ғовак моддаларнинг нисбати, остеоцитлар зичлиги, суяк каналлари ҳамда остеоген ҳужайралар ҳолати муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Бироқ мавжуд радиологик тадқиқотлар ушбу микроскопик хусусиятларни тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабли операция вақтида олинган суяк тўқимаси намуналарини гистологик ва морфометрик усулларда ўрганиш зарур.

Хулоса. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясида суяк ва юмшоқ тўқима компонентларининг ўзгаришлари патологик жараённинг этиологик шаклига боғлиқ равишда фарқланади. Суяк қатлами қалинлиги, трабекуляр тузилиш, остеоцитлар зичлиги ва суяк ремоделланишининг хусусиятларини комплекс морфологик ва морфометрик баҳолаш гипертрофиянинг